

4-1-2018

USING OF INFORMATION TECHNOLOGY AND SYSTEMS FOR EFFECTIVE MANAGEMENT OF CORPORATE BUSINESS PROCESSES

A. Ro'ziyev

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Ro'ziyev, A. (2018) "USING OF INFORMATION TECHNOLOGY AND SYSTEMS FOR EFFECTIVE MANAGEMENT OF CORPORATE BUSINESS PROCESSES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 2 , Article 16.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss2/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Рўзиев А.О. – ТМИ, доцент

КОРПОРАТИВ БИЗНЕС-ЖАРАЁНЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: Мақолада корпоратив менежментнинг самарадорлигини ошириш ҳолати ва йўналишлари, корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш жараёнларига ахборот технология ва тизимлари нуктаи-назаридан ёндошилган, жаҳон амалиётида корпоратив бошқарувда жорий этилган ахборот технология ва тизимлари, усуллари, стандартлари ва воситаларини таҳлил этиш билан уларни маҳаллий корпоратив менежмент бизнес-жараёнларида жорий этиш масалалари бўйича фикр билдирилган.

Калит сўзлар: бошқарув самарадорлиги, ахборот ресурслари, ахборот технологиялари стратегияси, АТ компонентлари, АТ қуриш усуллари ва стандартлари

Аннотация: В статье рассмотрены состояние и направления совершенствования повышения эффективности корпоративного менеджмента, процесс корпоративной управления рассмотрен с точки зрения информационных технологии и системы, анализированы информационные технологии и системы, методы и средств используемых в корпоративном управлении в мировой практике и сделаны предложения по вопросам использования информационных технологий и системы в бизнес-процессов национальной корпоративного менеджмента.

Ключевые слова: эффективность управления, информационные ресурсы, стратегии информационных технологии, ИТ-компоненты, внедрение ИТ-методов и стандартов.

The summary: The article discusses the condition and directions of improvement of increase of efficiency of corporate management, corporate governance process is described in terms of information technology and systems to analyze the information technologies and systems, methods and tools used in corporate management in the world practice and made suggestions using information technologies and systems in business processes of national corporate management.

Key words: the effectiveness of management, information resources, information technology strategy, IT components, the introduction of IT-methods and standards.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг турли тарихий даврларида муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятига эришишда зарур бўлган услубиётлар ўзгариб боровчанлик характерига эга. Жумладан, аграр ривожланишдаги иқтисодий фаолият озиқ-овқат етиштириш билан боғлиқ бўлиб ер ва меҳнат асосий ресурс сифатида аҳамиятли бўлса, саноат ривожланишининг асоси эса

капитал талаб қилувчи технологиялардан фойдаланиш билан қайта ишлов бериладиган йирик материал ва маҳсулот ишлаб чиқариш оқимлари ҳисобланади. Жамиятни ахборот ва илмий ишланмалар талаб этувчи инновацион технологияларга ўтиши илгари унчалик аҳамият берилмаган ахборот ресурсларини фаолиятга киритиб, ишчи-ходим малакасига қўйиладиган талабларда янгича ёндошувларни юзага келтирди. Ахборотлашган жамиятда турли кўринишдаги ишлаб чиқаришни самарали бошқариш учун ахборотлар ишлаб чиқариш ва фойдаланиш асосий иқтисодий фаолият ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ҳар қандай иқтисодий фаолият соҳасини нафақат маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш ва сервис технологиялари, балки бошқарув, ишлаб чиқариш, таъминот, савдо, маиший ва корхонанинг бошқа функционал бўлинмаларини ахборотларга бўлган талабларини таъминлаб берувчи ахборот технологияларисиз ҳам амалга ошириб бўлмай, бу восита бошқарувда мавжуд бўлиши шарт бўлган зарурий воситага айланди.

Ахборот технологиялари корхонанинг барча кўринишидаги ресурсларини рационал бошқаришга, шунингдек, тадбиркорга якка ҳолда қарор чиқариб фаолият юритишига кенг имкониятлар яратади. Ресурсларни ҳар доим чекланган ҳолатда бўлишлиги шароитида, қатъий самарага эришиш учун ресурсларни бир жойга жамлаш тўғрисидаги бошқарув қарорларини тўғри ва ўз вақтида қабул қилиниши фаолият муваффақиятининг асосий омили ҳисобланади. Айнан ахборот технологиялари тақдим этадиган маълумотлар бош масалаларни ечиш учун зарур вақтда ва керакли жойга ресурсларни жамланишига имкон яратади. Тизимли ташкил этилган билимлар ходимлар малакавий доирасини янада оширади ва корхонага рационал, мақсадга йўналтирилган ҳамда тежамли, янада самарали фаолият юритишига имкон беради.

Аммо, кўплаб маҳаллий корхоналарда ахборот технологиялари соҳасида корпоратив сиёсатнинг мавжуд эмаслигидан корхона корпоратив ахборот-бошқарув тизимини яратиш стратегиясини ишлаб чиқишда кенг илмий асосланган ечим – билимлар ҳозирча етарли эмас ва мавжудларидан самарали фойдаланиш керак бўлади.

Ахборот технологиялари стратегияси дейилганда корпоратив ёндошув, тамойил ва усулларнинг шакллантирилган тизими тушунилади ва ахборот-бошқарув тизимининг барча компонентларини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Ахборот технологиялари (АТ) стратегиясини ишлаб чиқиш лойиҳасининг бош мақсади корхона бизнесини ривожлантириш асосий фаолият мақсад ва йўналишларига мос келишини таъминлаш учун ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича интеграллашган корпоратив

жараёнларни ташкил этишдан иборат бўлади. Кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришиш қуйидагиларни таъминлашга имкон беради:

- бошқарув тизимини такомиллаштириш;
- АТни мақсадли режалаштириш ва жорий этиш;
- АТни бизнес муаммоларни ечишга йўналтириш;
- корхона ягона ахборот маконини яратиш;
- АТдан фойдаланиш харажатларини камайтириш (сотиб олиш, ишлаб чиқиш, жорий этиш, ходимлар малакасини ошириш, кузатиб бориш);
- янги АТни жорий этиш муддатларини қисқартириш, тезкор ва кўп мартали натижаларни олиш;
- фойдаланилаётган АТ самарадорлигини ошириш ва ахборотлаштиришга киритилган сармояларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш;
- истиқболда ахборот инфратузилишини тез ва тежамли кенгайтириш имконияти.

Стратегияларни ишлаб чиқиш жараёнида раҳбарият, мутахассислар ҳамда экспертлар жалб қилиниши зарур бўлиб, уларнинг фаолияти қуйидаги саволларнинг аниқ жавобларини излашга йўналтирилган бўлиши зарур:

- бизнес стратегияси қандай аниқланади?
- АТнинг жорий ҳолати қандай?
- АТнинг истиқбол кўриниши қандай бўлиши керак?
- қандай услубиёт ва маҳсулотлардан фойдаланиш керак?
- қандай технологик архитектура яратилиши керак?
- ходим малакаси қандай талабларга жавоб бериши керак?

Стратегияни изоҳли ёритишни ўз ичига олувчи ҳужжат корхона раҳбарияти учун мўлжалланган бўлади ва унда қуйидаги омиллар ёритилган бўлиши таклиф этилади:

- бизнесни ривожлантириш муаммоларини ечишда АТнинг аҳамияти;
- АТни ривожлантириш асосий йўналишлари таркиби ва амалга ошириш устуворлигига кўра гуруҳлаштирилган инновацион лойиҳалар шакллантирилган портфели;
- АТни жорий этиш, фойдаланиш ва ривожлантиришнинг босқичли 3-5 йиллик режаси;
- АТни инвестицияли лойиҳалар портфели ва режа босқичлари билан ҳамкорликда ривожлантириш аҳамиятини баҳолаш усуллари;
- АТни жорий этиш, фойдаланиш ва ривожлантиришда марказлашган бошқарувни ташкил этиш бўйича таклифлар.

Ахборот тизимлари ва технологиялари аввало бошқарув самарадорлигини оширувчи воситадир ҳамда белгиланган мақсадга эришишда бошқа воситалар каби бизнес-жараёнлар ҳаракатини мувофиқлаштириш ва назоратни амалга

ошириш учун хизмат қилади. Бу воситага оддийгина эгалик қилиш тадбиркорлик муваффақиятини кафолатламайди, аммо, йирик корхоналарда умуман мавжуд эмаслиги бўлмаслиги айни дамда рақобатдошлик салоҳиятини тушиб кетишига олиб келиши мумкин. Такомиллашган ахборот тизимлари ва технологияларининг оддийларидан фарқи АТга сарфланган харажатлар ҳажмида эмас, балки у орқали олинган қўшимча қийматдан иборат бўлади. Киритилган сармояларни фойда келтириши учун АТга шунчаки капитал сифатида эгалик қилиш эмас, балки ундан самарали ва малакали фойдаланиш зарур бўлади. АТга эгалик қилиш бизнесда муваффақиятларга эришишнинг зарурий билвосита шартларидан биридир.

АТдан самарали фойдаланишнинг асосий калити – билимдир. АТдан фойдаланувчи қачон, нимага ва нимани амалга оширишни билиши зарур. Пул маблағлари эмас, балки, айнан билимлар капитал ўсишининг бош шarti ҳисобланади. Шу асосда АТ ва тизимларини учта компонентга ажратиш мумкин:

1. Аппарат таъминоти (HardWare) – компьютер, тизим ва бошқа қурилмаларни мантикий макети ёки физик тузилишидир. Бу воситалар ишлаб чиқариш (маҳсулот ва хизматлар) ва берилган мақсад ёки натижаларга эришиш бошқарув масалаларини ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш воситасидир.

2. Дастурий таъминот (SoftWare) – техник қурилмаларни ишлаши учун зарур бўлган тамойил ва алгоритмларни бошқариш қоидалари тўпламини ифода этади. Алоҳида жараён ва масалаларни бир бутунликка мувофиқлаштиришга йўналтирилган келишув, фойдаланиш қоида ва стандартлари ҳамда дастурлар ҳам унинг таркибига киради.

3. Алгоритмик (интеллектуал) таъминот (BrainWare) – режалаштирилган, кутилаётган натижа ва мақсадларга боғлиқ ҳолда техник ва дастурий таъминотни ўзаро жойлаштириш ҳамда фойдаланиш, шунингдек, ҳар бир ҳолат конфигурацияси мақсадга мувофиқлигини асослаб беради.

Учала компонент ҳам ўзаро боғлиқ ҳамда тенг аҳамиятли бўлиши билан бирга, АТ ва тизимларининг ядросини ташкил этади. Ҳар қандай АТ ва тизими айнан шу ташкил этувчиларга асосланиб фаолият кўрсатади. Шу билан бирга, АТ ва тизими учун тўртинчи, энг муҳим бўлган – АТ ва тизимини қувватловчи тармоқ, инфратузилиш ҳам мавжуд.

АТ ва тизимлари мақсадга эришиш учун йўналтирилган аппарат, дастурий, алгоритмик таъминот ва қувватлаш тармоғининг ягона яхлитликка бирлаштирилишидир. Агарда биргина компонент иштирок этмаса ёки мос келмаса, у ҳолда АТ ва тизимларидан керакли самара бермайди.

Технология ва тизимлар амалий ҳамда малакавий тадқиқотларнинг тенг ҳуқуқли ва ўзаро тўлдирувчи қисмларини ифода этади. 1990 йиллар бошида дунё етакчи олимлари ахборотлар бошқа маҳсулот ва ресурслар билан тенг қийматли,

шунингдек, рақобатбардошлик имконияти бевосида боғлиқ бўлган стратегик ресурсга айланганини эътироф этди. Шу билан бирга, янги ахборотли тараққиёт тадбиркорлик фаолияти муваффақиятларига зарур бўлган ахборотлардан бошланди[2].

Ҳозирги кунда раҳбариятга маълумотлар ҳажмини ошириш, ахборот технологияларининг ривожлантирилиши ёки компьютерлар унумдорлигини ошириш эмас, балки корxonанинг рақобатбардошлигига, шунингдек, ташкилот бошқарувининг янгидан қайта ташкил этилган фаолиятига ижобий таъсир этувчи ахборотлар катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Албатта, ҳозирги кунда барча талабларни бирдек қондирувчи универсал ахборот тизимлари мавжуд эмас. Аммо, автоматлаштирилган АТ ва тизимлари соҳасида фойдаланилса корхонада самарали бошқарув тизимини қуриш имконини берувчи усуллар мавжуд. Ҳозирги кунда бундай усуллар MRP, MRP II ва ERP концепциялари деб номланади. MRP, MRP II ва ERP усуллар ёки ёндошувлар – бу корxonани қандай фаолият юритиши кераклиги тавсифини яратишга имкон берувчи тушунча ва жараёнларнинг формаллашган тўпламидир. Улар ўта тизимли тавсифга эга, яъни, “буни шундай бажар, маълумот ёки материалларни бундай кўринишда у ерга узат, бажарилган операциялар тўғрисида шу жойга ёзиб қўй” ва шу кабилардан ташкил топган кўрсатмалар (алгоритмлар) тўплами сифатида кўриш мумкин.

MRP (Material Requirement Planning – материалга бўлган талабларни режалаштириш) ишлаб чиқаришни бошқариш учун яратилган, омборхона биноларидан унумли фойдаланиш, хом-ашё етказиб беришдаги туриб қолиш ёки керагидан ортиқ етказиб бериш муаммоларини бартараф этади. MRP тизими хом-ашё ва бутловчи қисмларни етказиб беришидан охириги истеъмолчилар сўровини қаноатлантиришгача бўлган ишлаб чиқариш циклини режалаштириш ва тезкор бошқаришга ёрдам беради. MRP асосига қўйилган асосий ғоялар қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш фаолияти ўзаро боғлиқ буюртмалар оқими сифатида изоҳланади;
- буюртмаларни бажаришда ресурслар чекланганлиги эътиборга олинади;
- ишлаб чиқариш жараёни ва захираларини минималлаштиришни таъминланади;
- ишлаб чиқариш ва таъминотга зарур буюртмалар амалга ошириш ва ишлаб чиқариш графигига асосан шакллантирилади;
- буюртмалар ҳаракати якуний иқтисодий кўрсаткичлар билан боғланади;
- буюртмани бажариш жараёни зарур бўлган лаҳзада ниҳоясига етади.

MRP усули корхонада қандай бошқарув ва рўйхатга олиш жараёнлари амалга оширилиши, қандай кетма-кетлик асосида бажарилиши кераклигини

кўрсатиб беради ва қандай бажариш кераклиги тўғрисида тавсияларни (алгоритм) ўз ичига олади. Кейинги даврларда MRP концепцияси корхона функционал имкониятларини кенгайтириш йўлида мижоз талабларини тўла қондириш ва ишлаб чиқариш харажатларини тушириш ғояси асосида ривожлантириб борилди. 1970 йилларда бу концепция бутунлай корхона кўламида ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш ва уни бўлинмалар даражасида бажарилишини назорат қилиш тўғрисидаги ҳолатлар билан кенгайтирилди. Шундан сўнг, навбатдаги MRP II (Manufacturing Resource Planning - ишлаб чиқариш ресурсларини режалаштириш) тизимлари пайдо бўлди, унинг моҳияти ишлаб чиқаришни прогнозлаш, режалаштириш ва назорат қилиш жараёни хом-ашё сотиб олишдан бошлаб маҳсулотни харидорга юклаб бериш билан тугалланадиган барча цикларида амалга оширилишидан иборатдир.

MRP II услуги ишлаб чиқариш корхонасининг барча ресурсларини самарали бошқаришга йўналтирилган услубиётни ифода этади. Умумий ҳолатда, корхона фаолиятини режалаштириш масалаларини натурал бирликларда, молиявий режалаштиришни пуллик ифодасида корхона имкониятларини ”Нима бўлади, агарда...” туридаги саволларга жавоб берган ҳолда моделлаштиришни таъминлайди. Бу услубиётдан фойдаланиш корхона фаолияти иқтисодий кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келувчи синаб кўрилган тамойиллар, моделлар ва бошқарув ҳамда назорат жараёнлари тўпламини тақдим этади. MRP II тизими модуллар асосида қурилган бўлиб, қуйидагилар асосий мажбурий функционал модуллар ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш ва савдони режалаштириш (Sales & Operations Planning);
- талабларни бошқариш (Demand Management);
- ишлаб чиқариш бош календарь режаси (Master Production Schedule);
- материалларга бўлган талабларни режалаштириш (Material Requirements Planning);
- таснифлаш қуйи тизими (Bill of Material Subsystem);
- захиралар билан операциялар қуйи тизими (Inventory Transaction Subsystem);
- очиқ буюртмалар бўйича режалаштирилган келиб тушишлар қуйи тизими (Scheduled Receipts Subsystem);
- ишлаб чиқаришни тезкор бошқариш (Shop Floor Control or Production Activity Control);
- ишлаб чиқариш қувватига бўладиган талабларни режалаштириш (Capacity Requirements Planning);
- кираётган ва чиқаётган материаллар оқимини бошқариш (Input/Output Control);
- таъминотни бошқариш (Purchasing);

- ресурсларни тақсимлашни режалаштириш (Distribution Resource Planning);
- инструментал таъминот (Tooling);
- молиявий режалаштириш билан интерфейс (Financial Planning Interfaces);
- моделлаштириш (Simulation);
- фаолиятни баҳолаш (Performance Measurement).

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш операцияларини моделлаштириш тажрибаларини тўпланиб бориши натижасида бу тушунчалар моҳиятига янада кўпроқ функцияларни қамраб олган ҳолда аниқлик киритиб борилмоқда. MRP II стандартлари алоҳида функциялар соҳасини икки даражага ажратади: зарурий ва ихтиёрий. Дастурий таъминотни MRP II синфига киритиш учун бу дастур зарурий (асосий) функцияларни бажариши зарур.

Функционал модуллар таркиби ва уларнинг ўзаро алоқалари бошқарув назарияси нуқтаи назаридан чуқур асосларга эга бўлиб, режалаштириш функциялари интеграциясини, шу жумладан, вақт ва маконда турли бошқарув жараёнлари ҳамфикирлигини таъминлайди.

Кўрсатиб ўтилган модуллар тўплами ортиқча ҳисобланмайди ва асосан кейинги авлод тизимларида ҳам сақланиб қолади. Бундан ташқари, MRP II тизими функционал модулларига қўйилган кўплаб тушунча, усул ва алгоритмлар ўзгаришсиз қолади ҳамда тизимнинг кейинги авлодларига элементлар сифатида киритилади. Корхонанинг MRP II стандартларига мос ҳолда қурилган бошқарув тизимининг умумий кўриниши 1-чизмада кўрсатилган қуйидаги асосий блоклардан ташкил топади.

Бизнес-режалаштириш. Энг юқори даражали корхона режаларини шакллантириш жараёни. Узоқ муддатли режалаштириш ва режа қийматли ифодаланишда тузилади. Одатда, MRP II тизимида бизнес-режага тааллуқли алгоритмлар тўлиқ амалга оширилмаган.



1-чизма. MRP II тизимининг функционал блоклари

Талабларни режалаштириш. Бирон давр учун талабларни прогношлаш (режалаштириш) жараёни. MRP II тизимларида прогношлашнинг чизиқли апроксимация, экспоненциал мувофиқлаштириш, ўхшашларини янги турдаги маҳсулотларга қўллаш каби оддий алгоритмларидан фойдаланиб, кейинги ривожлантиришларда турли чекловларни эътиборга олувчи прогноллаш алгоритмлари киритилган.

Ишлаб чиқариш ва савдони режалаштириш. Бизнес-режа ва талаблар режаси асосий маҳсулот турларини савдосига қайта шакллантирилади. Бунда ишлаб чиқариш қуввати эътиборга олинмаслиги мумкин ёки умумлашган кўринишда эътиборга олинади ва бу режа ўрта муддатли тавсифга эга бўлади.

Ишлаб чиқариш режа-графи (маҳсулотни ишлаб чиқариш). Ишлаб чиқариш режаси маҳсулотни ишлаб чиқариш графикига қайта шакллантирилади. Одатда, бу тайёрлаш муддатлари кўрсатилган аниқ маҳсулот сонини берувчи ўрта муддатли ҳажмий-календарь режа.

Материал ресурсларига бўладиган талабларни режалаштириш. Режалаштиришнинг бу даражасида маҳсулотларни ишлаб чиқариш графикини таъминлаш учун зарур бўлган материал ресурсларига бўлаётган талабларни қаноатлаштириш муддатлари ва миқдорий ифодаси аниқланади. Маҳсулот хусусиялари (аниқ бир бутловчи қисмлар таркиби ва миқдорий тавсифлари) ва материал ресурсларининг жорий ҳажми тўғрисидаги маълумотлар материалларга

бўлган талабларни режалаштиришда аниқлаб берувчи кирувчи маълумотлар ҳисобланади. Кўп ҳолларда MRP тизимларидаги режалаштиришни талабга боғлиқ бўлган режалаштириш деб юритилади. Ҳақиқатан ҳам, хом-ашё ва бутловчи қисмларга бўлган талаб тайёр маҳсулотга бўлган талабга қатъий боғлиқ бўлиши кутилган ҳолдир.

Ишлаб чиқариш қувватини режалаштириши. Одатда, бу модулда мавжуд ва талаб этилаётган ишлаб чиқариш қувватларини аниқлаш ва солиштириш амалга оширилади. Кичик бўлган ўзгаришлар билан нафақат ишлаб чиқариш қувватлари учун, балки, корхона ишлаб чиқариш ўрин алмашиш хусусиятига эга бошқа турдаги ишлаб чиқариш ресурслари учун ҳам қўлланилиши мумкин.

Мижоз буюртмаларини бошқариши. Бу ерда мижозларнинг мавжуд талаблари маҳсулот ишлаб чиқариш режаси билан мос қўйилади. Ҳақиқатда, қабул қилинган ишлаб чиқариш алгоритмига (омборга жойлаштириш учун ишлаб чиқариш, буюртмага асосан ишлаб чиқариш, буюртмани лойиҳалаштириш) боғлиқ ҳолда мижозларнинг янги буюртмасини киритиш режалаштириш жараёнларигача ёки ундан кейин амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш бўлимлари даражасидаги бошқарув. Бу ерда тезкор режа-графиклар шаклланади. Режалаштириш муддати катта эмас - бир неча кундан бир ойгача.

Ижрони баҳолаш. Режалаштиришнинг кейинги барча босқичларида таҳрирлаш киритиш учун юқорида санаб ўтилган барча режаларнинг ҳақиқатдаги ижроси баҳоланади.

MRP II тизими кейинги ривожлантиришлар янги синфдаги – “Корхона ресурсларини режалаштириш” (Enterprise Resource Planning - ERP) тизимларига қайта шакллантириш билан боғлиқ. Бу синфдаги тизимлар ресурслари ҳудудий тарқалган катта корпорацияларни бошқариш масалаларини ечишда молиявий ахборотлар билан ишлашга йўналтирилган. Ресурсларни олиш, маҳсулотни тайёрлаш, жўнатиш ва мижоз буюртмалари бўйича ҳисоб-китобларида зарур бўлган барча жараёнлар унинг таркибига киради. Бу синфдаги тизимлар 1980 йиллар охиридан бошлаб фаол ривожланиб келмоқда. ERP-тизимлар биринчи навбатда молия ва ходимларни бошқариш билан боғлиқ янги функционал модуллари билан кенгайиб бориши билан бирга MRP II синфидаги тизимларни ўз ичига тўлиқ қамраб олади. Кейинги йилларда ERP-тизимларида молияни бошқариш функцияларини қўлланиши россия ва европа тизимлари ўртасидаги ўзаро рақобатни авж олишига олиб келди. Европа тизимлари асосида режалаштириш ва прогнозлашдан бошлаб, фаолиятнинг барча молиявий кўрсаткичларини назорат қилишгача бўлган жараёнларни, яъни, молияни реал бошқаришни куриш мумкин деган фикрлар мавжуд бўлсада, маҳаллий ишлаб

чиқилган ечимлар мамлакат ҳақиқий ҳолатига яхши мослашган бўлади. Айнан шу фикрни ходимларни бошқариш бўйича ҳам айтиш мумкин.

ERP тизимларида ишлаб чиқаришни режалаштириш масалаларини ечишдаги ёндошувлар яқин вақтгача MRP II тизимлари асосига киритилган стандартлар кўринишда бўлган. Қисқача қилиб, ишлаб чиқариш циклларида календар-режа модулида ўрнатилган меъёрларини фаол қўллашга асосланган ёндошув деб айтиш мумкин, режалаштиришни оптималлаштириш зарурияти билан зиддиятга бориши бундай ёндашувнинг асосий камчилиги ҳисобланади. Анъанавий MRPII/ERP-тизимларида режалаштиришнинг оптималлаштириш элементлари фақат қуйи даражада - тезкор режалаштириш масалаларини ечишда учрайди.

MRPII/ERP тизимларни жорий этиш ва ҳисоблаш қувватини ўсиши, рақобатчилик муҳити шароитларида бошқарувнинг янги усулларини излаш натижасида 1990 йиллар ўртасида MRPII/ERP тизими стандартларига асосланган “режалаштиришнинг ривожланган тизимлари” (Advanced Planning/Scheduling – APS) номини олган янги синфдаги тизимлар пайдо бўлди. Бу тизимлар режалаштириш масалаларини ечишда ишлаб чиқариш циклларида календар-режа ўрнатилган меъёрлари ўрнига иқтисодий-математик усулларни қўллаб бориши билан фарқ қилади. APS тизими анъанавий MRP-режалаштиришга қўшимча равишда киритиш мумкин бўлган алоҳида оптималлаштирувчи модулларни ифода этади.

Бундай ёндошув мураккаб кўп номенклатурали ишлаб чиқариш учун ўта самарали бўлади. Шу билан бир вақтда, бошқарув ходимининг табиий равишда малакавий даражасига янгича талаблар қўяди.

MRPII/ERP концепцияларини ҳар бир лаҳзада шартли равишда уч қатламга ажратиш мумкин. Биринчи қатламда тажрибада синалган ва стандартлар кўринишида мустаҳкамланган восита ва усуллар жойлашади. АҚШда давлат, қисман, муҳофаа Вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланган стандартлар тизими мавжуд. Бу стандартларда давлат буюртмаларини бажарадиган компания ахборот тизимлари учун алоҳида талаблар шакллантирилган. Натижада шартнома тузиш босқичида бюджет харажатлари тўғри тарқатилаётганлигига давлатнинг ишончи ортади, уни бажариш босқичида эса бажарилиш муддати ва ҳақиқий харажатлар ҳар томонлама назорат қилиб борилади.

Иккинчи қатлам етарлича барқарор хусусиятга эга бўлиб, ҳар доим қўлланиладиган усул ва қоидалар мажбурийлик тавсифига эга бўлмайди. Уларни функционал тузилишни чуқур таҳлил этган ҳолатдагина аниқлаш мумкин бўлади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг асосий тизимга киритадиган янги дастурий маҳсулотлари MRPII/ERP ғоя ва усулларининг учинчи қатламига киритилади. Бу маҳсулотлар асосида фойдаланилаётган ахборот технологиялари турли дастурий

маҳсулот ишлаб чиқувчиларнинг “ноу-хоу”ларини ўзида ифода этади ва одатда, айнан шу қатлам дастурий маҳсулот ишлаб чиқувчи турли фирма маҳсулотларидаги сезиларли фарқларни аниқлаб олишга имкон беради. Баъзи янги технологиялар йирик ахборот тизимларини қуриш самарадорлигига жиддий таъсир этиш хусусиятига эга ҳисобланади.

Янги инновациялар асосида ташкил этилган корхоналарда тизимни қуришда етарли инфратузилиш ва услубиётнинг мавжудлиги MRP II/ ERP туридаги бошқарув автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этишда юқори даражадаги самарадорликка эришишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади. Баъзи баҳолаларга кўра, бундай тизимларни жорий этилиши заҳирада ушлаб туриш заруриятини 8-30% қисқаришига, ишлаб чиқариш унумдорлигини 8-27% ўсишига, муддатида бажарилган буюртмалар сонини 7-20% ўсишига олиб келади. Ахборот тизимларини ривожлантирилиши бизнесни такомиллаштириш талабларида ҳам ўз аксини топади. Аниқ бизнес-жараёндаги бошқарув сифатини ахборот жараёнлари, ҳужжат айланишлар ва бошқарув қарорларини қабул қилишга тайёргарликни тезлаштиришга қўйиладиган талабларга мос ҳолда ошириш замонавий ахборот тизимларини ривожлантириш йўлидаги асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бошқарув автоматлаштирилган ахборот технология ва тизимлари бизнес стратегияларни ишлаб чиқиш, бошқарувдаги ўзгаришлар, ходим билан мақсадли йўналтирилган ишларда боғловчи бўгин ҳисобланиб, корхона стратегияларини муваффақиятли амалга оширишда аҳамиятли ўринга эга бўлади. Жаҳон амалиётида тўпланган тажриба ва усулларга асосланган ҳолда бизнесни бошқаришни қувватлашга йўналтирилган интеграллашган ахборот тизимларини ривожлантириш концепциясини яратиш истиқболли бошқарув автоматлаштирилган ахборот технология ва тизимларини яратишнинг бош мезони ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастури.
2. Друкер П.Ф. Задачи Менеджмента в XXI веке. ИД «Вильямс», 2004 г. 210с.
3. Андерсон К. Наиболее эффективные методы внедрения систем управления. Материалы сайта www.cfin.ru/vernikov/kias/